

3.4. Сотувчи ва сотиб олувчи газ ҳажмининг ўртача кунлик нормасидан келиб чиққан ҳолда ойлик газ миқдорини бир маромда узатиши ва қабул қилиши шарт.

Сотиб олувчи газ истеъмоли давомида юзага келадиган келгуси ўзгаришлар ҳақида йил чораги бошланишидан 15 кун олдин сотувчига ёзма ҳолда ёки телефонограмма (факс) орқали маълум қилиши шарт.

Сотувчи АГҚШдаги ускуналарнинг навбатдаги жорий таъмирланишини амалга оширишдан 3 кун олдин, умумий жорий таъмирланишини амалга оширишдан 15 кун олдин сотиб олувчини огоҳлантиради.

4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

5. ГАЗ ҲИСОБИ

5.1. Сотиб олувчига берилган газ миқдори тарқатиш қайдномаси бўйича аниқланади.

6. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Сотувчи ва сотиб олувчи қуйидаги ҳолларда олинadиган газ ҳажмини кўпайтириш ёки камайитиришга ҳуқуқли ва бу учун жавобгар эмасдирлар:

- а) кутилмаганда газ қувурлари, электр, газ тармоқларида содир бўлган авария ҳолларда;
- б) газ билан таъминлашда сотувчига, боғлиқ бўлмаган узилишларда;
- в) ёнғин, zilзила, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар юз берганда;
- г) газ қувурлари, электр, газ тармоқларининг навбатдаги жорий таъмирланиши, шу билан боғлиқ бўлган синов ва пайвандлаш ишлари давомида.

6.2. Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар бажарилиши бўйича томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан жавобгардирлар.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. Мазкур шартнома Ғазначиликдан рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ҳамда 2022 йил «31» декабрьгача амалда бўлади.

7.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.

7.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:

- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1 Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар амалдаги қонун ҳужжатларига асосан Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади

9. БОШҚА ШАРТЛАР

9.1. Мазкур Шартномага киритилadиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилиши ва ҳар иккала тарафлар орқали имзоланиши, муҳрланиши лозим.

9.2. Ушбу шартномага иловалар унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.